

ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASINING GAZETASI

Чоршанбадан Чоршанбагача

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида бўшаб қолган ўринларга шу йил 22 октябрь куни ўтказиладиган Олий Мажлис депутатлари сайловида тайёргарликнинг бориши ҳамда ушбу округлардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг жорий йил 9 ойи якунлари ҳамда «Соғлом авлод» Давлат дастури қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Америка Қўшма Штатларида армреслинг бўйича бўлиб ўтган IV жаҳон чемпионатида сайёрамизнинг 46 мамлакатидан 370 нафар спортчи иштирок этди. Мазкур мусобақаларда ватанимиз вакиллари — икки карра жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов, Юсуф Қодиров, Мирзохид Шаропов ва Елена Шафрановалар иштирок этишди.

Ҳамюртларимиз бешта медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 46 жамоа ичида иккинчи ўринни эгаллашди.

Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар ўз ваколат мuddати тугаши муносабати билан матбуот анжумани ўтказди.

— Ҳеч шубҳа йўқки, умримнинг энг гўзал дамлари Ўзбекистонда ўтди. Қолаверса, ўзга юртларда кўрмаган меҳр-муҳаббатни юртингиздан топдим. Насиб этса, Ўзбекистонга яна келаман. Мамлакатингиздан кетар эканман, Ўзбекистонни, унинг маданияти ҳамда халқининг меҳмоннавозлиги, қайноқ меҳрингизни ўз қалбимда олиб кетаман, — деди пировардида элчи жаноблари ўзининг гўзал юртимизга бўлган самимий ҳурматини ифода этиб.



2000 йил
СОҒЛОМ
АВЛОД
ЙИЛИ

Моҳият

Чиройли ҳайкалча ясаб, унга ҳаёт бахш этмоқлик яхши, аммо ёш ақлни улғайтириш, ёш қалбни ўзига хос шакллантириб, унда адолат тўйғусини жонлантириши янаям яхшидир.

В.Гюго

«ХУҚУҚ» — ҳамиша ҳамроҳ



XXI асрнинг илк йилида ҳам «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали ҳар бир хонадонга кириб борсин, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустақамлансин. 2001 йил учун нашрларимизга обуна давом этаётганлигини яна бир бор эслатиб ўтамыз: «Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоясида» — бу Сизнинг минбарингиз. Бу — мустақиллик минбари.

Индексларимиз:

«Қонун ҳимоясида» — 839, 840.

«Хуқуқ» — 231, 232.

УШБУ СОНДА:

«ЁЗУВЧИ» ТАМФАСИ

...Мен шунча йил шу ернинг нон-тузини ичдим, — деди. — Ҳайдовчиларнинг ҳаммаларидан розиман. Қаерда бўлсаям ишлайвераман. Ҳақ-хуқуқимни талашиб, «ёзувчи»га чиқдим, шуниси алам қилади, холос...

БАҒРИ ГУЛГА ТЎЛГАН ОТАЛАР

«Отанга раҳмат» деган улуғ сўзни эшитди. Юрт олқишига сазовор бўлиб бағри гулларга тўлади. Ота бўлиб оилада ўрни бўлмаган инсон вақти келиб бағри қонга тўлиши мумкин. Бу ҳаёт ҳақиқати. Фарзанд ўстираётган ҳар бир оила бошлиғи буни қалбдан ҳис қилиши лозим. Ана шундагина юртимизда афсусдан йиғлаётган оталар бўлмайди. Оталар йиғламасин.

4 - бет

5 - бет

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischi

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:**A.ABDURAZZOQOV****Tahrir haya'ti:**

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Madadaliyev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq» dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida saqlanadi.
Sahifalovchi B. SAIDOV.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etiladi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 951
Nusxasi — 13177

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 20.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir
D. ISLOMOV
Navbatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8**ҚУТАОВ**

Мухтарам Абдуғаппор Мухторо-
вич!

Авалломбор, Сизни қутлуг 50
ёшга тулганингиз билан ҳамкасб
дўстларингиз, қолаверса, барча
хуқуқшунослар номидан самимий
муборакбод этамиз.

Сиз мамлакатимизда қонунчи-
ликини мустаҳкамлаш, халқимизнинг
хуқуқий маданиятини ошириш, жа-
миятимиз ҳаётида қонун устуворли-
гини таъминлашда шарафли ва
масъулиятли ишда ўзингизнинг бор
билим ва тажрибангиз билан ҳам-
касбларингизнинг, жамоатчилик-
нинг, эл-юртимизнинг ҳурматини
қозониб келаётган инсонсиз.

Сизнинг ҳаёт йўлингиз, тажри-
бали хуқуқшунос сифатидаги фао-
лиятингиз прокуратура соҳасининг
хар бир ҳодими учун ибрат олас
арзигулиқдир.

1974 йили Тошкент Давлат уни-
верситетининг хуқуқшунослик фа-
культетини тамомлагач, ўз фаоли-
ятингизни пойтахтимизда, Миробод
тумани прокуратурасида оддий тер-
говчиликдан бошладингиз. Сўнгра
Тошкент шаҳар прокуратураси тер-
гов бўлимида фаолиятингизни да-
вом эттирддингиз.

Орттирилган катта билим ва тажри-
ба туфайли турли масъул лаво-
зимларда, Тошкент шаҳар прокуро-
ри, Республика прокуратурасида
бўлим бошлиғи сифатида ҳалол
меҳнат қилиб, ҳурмат-эътибор
қозондингиз. Қарерда, қандай лаво-
зимда хизмат қилманг, аввало, хал-
қимиз ва давлатимизнинг қонуний
манфаатларини ҳимоя қилишни,
қонун устуворлигини таъминлашни
бош вазифа деб билдингиз.

Сизнинг хуқуқшунос сифатидаги
фаолиятингиз мамлакатимиз муста-
қиликага эришганидан кейин янги-
ча маъно-мазмун касб этди, десак
асло муболага бўлмайди.

Чунки, айти мустақилликдан кей-
ин жамиятимиз ҳаётида қонун усти-
ворлигини таъминлаш, халқимиз-
нинг хуқуқий маданиятини ошириш
прокуратура соҳаси ҳодимлари ол-
дидаги бош вазифага айланди.

Сиз бугунги кунда гоятда масъу-
лиятли лавозимда — Ўзбекистон Рес-
публикаси прокуратурасининг суд-

ларда жиноят ишлари кўрилишида
прокурор ваколатини таъминлаш
бошқармаси бошлиғи вазифасида
хизмат қилиб, ҳуқуқ ислоҳотлар
самарадорлигини таъминлаш иши-
га ўзингизнинг муносиб ҳиссан-
гизни қўшиб келмоқдасиз.

Мана шундай шукўхли кунда
Сизнинг мамлакатимизда қонун у-
стиворлигини таъминлаш, хуқуқий
муносабатларни янги босқичга
кўтариш борасидаги хизматларин-
гиз алоҳида тақдирланганини эс-
лаб ўтишни эътиборга лойиқ деб
ўйлаймиз.

1991 йилда III даражали Давлат
адлия маслаҳатчиси махсус унво-
нига, 1999 йилда эса «Ўзбекистон
Республикаси прокуратурасининг



УМРИНГИЗГА БАРАКА

факхий ҳодими» кўкрак нишонига
сазовор бўлдингиз.

Қадрли Абдуғаппор ака!

Биз сизни нафақат жонкуяр
хуқуқшунос, билимдон раҳбар, бал-
ки самимий ва камтар инсон сифа-
тида ҳам биламиз ва ҳурмат қила-
миз. Сиз, ҳуқуқ идораларидаги фа-
олиятингиз давоминда қўллаб шо-
ғирдларни вояга етказдингиз. Улар-
дан нафақат касбга оид билим ва
тажрибаларингизни, балки ҳаётий
ўғитларингизни ҳам аямай, жамия-
тимизнинг фаол кишилари бўлиб
етишида меҳрибон мураббий бўлиб
хизмат қилдингиз.

Ҳурматли Абдуғаффор Мухторо-
вич, эллик ёш — инсоннинг қў-
ғаратга, билим ва тажрибага тулган
авжи қамолот даври экани барча-
мизга яхши маълум. Сиз бугун айти
мана шундай эришдасиз.

Эл-юртимиз тинчлиги ва осой-

ишталиги, мустақил Ватанимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлида Сиздек ин-
сонларнинг ақли, билими ва айниқ-
са тажрибаси бугун айниқса зарур.

Сиз учун азиз ва қувончли бўлган
мана шу кунда барча дўстларингиз,
устоз ва шогирдларингиз номидан
яна бир қарра қутлуг ёшингиз билан
табриклашга рухсат этсангиз.

Ватанимизга, халқимизга хизмат
этишдек олижаноб ишда Сизга со-
ғлиқ-саломатлик, туганмас куч-гай-
рат тилаймиз. Хонадонингиздан
файзу барака аримасин. Кўнглин-
гиздаги барча эзгу ниятларингиз
амалга ошаверсин. Бахт-саодат
Сизни сира тарк этмасин.

Оллоҳ умрингизга умр қўсин!

Бир гуруҳ дўстлар номидан
Ғ. АЛИМОВ

ТАКЛИФ

МИЛЛАТ КЕЛАЖАҚИ

Буюк келажак сари дадил қадамлар билан интилаётган давлатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларимизнинг жаҳон талаблари андозасида билим олишлариغا шарт-шароитлар яратиш борасида хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни чет элларда таълим олишларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Умид» жамғармаси орқали минглаб ёшларимиз хорижнинг нуфузли илм даргоҳларида таълим олишмоқда. Таълим тўғрисидаги қонун, Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг ушбу йўналишдаги ислохотларнинг ривожига нечоғли аҳамиятли эканлигини гапириб ўтишнинг зарурати бўлмаса керак.

ва ўрта мактаб битирувчиларини касбга йўналтириш ҳамда меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантиришда жиддий муаммолар юзага келиб қолган.

Сўнгги йилларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг сезиларли даражада ўсётганини ташвишланарли ҳолдир. Ички ишлар бўлимлари қошидаги вояга етмаганлар назорати бўлими ҳодимлари ўзларига юклатилган вазифалар билан шуғулланиш ўрнига бошқа ишларга жалб қилинаётганлиги оқибатида вояга етмаганлар билан ишлаш бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Бу борада маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини йўқлигини қандай изоҳла-са бўлади?

Ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларда қотиблик

штатлари йўқлиги боис, бошқа иш билан шуғулланувчи ҳодимга қўшимча вазифа тарикасида юклатилган. Бу эса ўз навбатида қўридаги қабил салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлмоқда.

Еш авлодни она заминга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёшларда юксак сиёсий онг, фуқаролик масъулияти ва фаол ҳаётий нуқтаи-назарни шакллантирувчи ахлит тизимни яратишга қўмаклашиш муҳим вазифалардан биридир. Бу масалаларни ҳал этишда, давлат ва барча ижтимоий инсти-тутлар — оила, маҳалла, ўқув юр-тлари, маданият муассасалари, юр-мавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг сай-ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар иши бўйича комис-сиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги Қарори эълон

МУШТАРИЙДАН ХАТ**БАТАНГА****МУҲАББАТ БЎЛСА...**

Халқимиз мустақилликнинг ўнин-
чи йилга қадам қўймоқда. Ўн йил
ичидаги муваффақиятларимизни
асрга татиғулик ишлар десак, хато
қилмаймиз. Ютуқларимиз ўзимиз-
ники, аммо камчиликларимизни унут-
маслигимиз лозим.

Мен шу ўринда газетхонларнинг
эътиборини жойларда она тилимиз-
га нисбатан бўлаётган муносабат-
ларга қаратмоқчиман. Агар сиз те-
лефонингиз гушатиғни кўтариб би-
рон шаҳар билан гаплашиш учун
буюртма бермоқчи бўлсангиз, ал-
батта, рус тилидаги овозни эшита-
сиз. Ахир шу соҳада ишлайдиган
ҳодимлар давлат тилини билишлари
шарт-ку. Яна бир муаммо. Ҳозир
ҳам аксарият ташкилотларнинг ҳуж-
жат, қоғозлари рус тилида тайёр-
ланганига кўзингиз тушадди.

Пойтахтимизнинг айрим қўчалар-
и рус инқилобчилари, «улуг» боль-
шевиклар номи билан узоқ йиллар
аталиб келинди. Матбуотнинг кўп
бор бонг уришдан сўнг ана шу кам-
чиликларга барҳам берилди. Бу ҳам
мустақиллик шарофати туфайли деб
ўйлайман.

Тилимиз буюк келажакимизни
таъминлайдиган улут маънавий қуро-
лимиздир. Бугунги кунда ҳар бир
инсон фарзандлари қалбига она
тилимизнинг буюк қудратини синг-
дириши керак. Ана шундагина фар-
зандларимиз қалбига ўз тилига ва
ўз ватанига меҳр бўлади.

Мустақиллик халқимизнинг ҳаёти-
да катта ижобий ўзгариш ясади. Ана
шундай имкониятлардан бири мам-
лакатимизда лотин алифбосининг
жорий қилиниши бўлди. Бугунги кун-
да қўчалардаги реклама ва эълон-
лар лотин алифбосида ёзилмоқда.
Бу илк қадамлар. Тўғриси, бу борада
ҳали қилиниши керак бўлган ишлар
кўп. Халқимизнинг лотин ёзувини
ўзлаштиришда телевидениенинг ва
матбуотнинг ўрни беқиев бўлаётган.

Ш. АРИПОВ,
Тошкент шаҳри, нафақадор

қилинди. Айти пайтда вояга етма-
ганлар иши бўйича комиссиялар-
нинг 2000-2005 йилларга мўлжал-
ланган дастури тайёрланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу
дастурга ўз тақлифларимни ҳам
айтиб ўтишни эдим. Энг ав-
вал мактаб муассасаларини юқори
малакали мутахассислар билан таъ-
минлаш, педагогик фаолиятнинг
нуфузи ва ижтимоий маъвиеини оши-
риш зарур. Таълим муассасалари-
ни зарур дарслик ва адабиётлар
билан таъминлаш, бунинг учун йи-
рик олимлар, юқори малакали му-
тахассисларни жалб этиш лозим.
Таълим ва илм-фан соҳасининг
нашриёт базасини ривожланти-
ришга алоҳида эътибор бериш ке-
рак.

Спиртли ичимликлар истеъмол
қилиб, фарзандлар тарбиясига
карамай қўйган ота-оналарни муо-
мала лаёқатини чеклаш, уларни ота-
оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш
юзасидан судларга даъво ариза-
лари киритиш амалиётини қучай-
тириш лозим. Вояга етмаганлар
ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жино-
ятчиликнинг олдини олиш юзаси-
дан ўқув муассасаларида, мактаб
ва коллежларда сайёр суд маж-
лисларини ўтказиб бориш ҳам са-
марали натижа беради.

Умуман, ёш авлодни тарбиялаш,
уларни эртанги кунимизнинг муно-
сиб ворислари этиб вояга етказиш
ҳар биримизнинг муқаддас вазиф-
амиз бўлмоғи шарт.

Комилжон ИСМОИЛОВ,
Тошкент вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ: МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Президентимиз Исмоил Каримов иккинчи қақирқи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида суд-ҳуқуқ соҳасидаги долзарб вазифаларга тўғрисида, «...ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда, ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи гада қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак. Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислох қилиш керак», деган эди.

ниҳоятда муҳим иш бўлиб, барқарор ҳуқуқ тартиботисиз демократия жамиятда нормал иқтисодий муҳитни шакллантириш қийин масала ҳисобланади. Мустақкам ва барқарор ҳуқуқий тартибот эса ўз навбатида — қонунларнинг сўзсиз ижро этилишини талаб этади. Кучли, мустақил суд ҳокимиятисиз эса қонунлар ижросини таъминлаш мурраккаб масала эканлиги ҳаммамизга аён. Бозор иқтисодиётининг жадал ривожланиши ҳўжалик субъектла-

лари тез ривожланиб бораётган суд тармоғи бўлиб, унинг ҳуқуқий асосини келгусида алоҳида қонунда белгилашга ҳам зарурят пайдо бўлмоқда. Бундай қонунчилик тарбияси хорижий давлатларда мавжуд. Шунингдек, судга ҳурматсизлик учун жавобгарлиқни кучайтириш, судьяларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мавжуд тизимини такомиллаштириш, суд ижрочилари институтлари тизимини ислох қилиш масалаларини кўриб чиқиш ҳам суд-ҳуқуқ ислохотлари-

ҳофазасини давлат томонидан қаролатлаш механизмларини мустахкамлаш суд-ҳуқуқ ислохотлари самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бешинчидан, ҳўжалик судлари тизимини такомиллаштириш мақсадида туманлараро ва шаҳар ҳўжалик судларини ташкил этиш ва бу ҳақда лойиҳада тегишли қоидаларни мустахкамлаш талаб этилади.

Олтинчидан, судларни молиялаштириш масаласини ҳал этиш — бюджетдан бир графада суд соҳасини молиялаштиришни назарда tutиш суд-ҳуқуқ ислохотларнинг молиявий асосини таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Еттинчидан, лойиҳага «Судда меҳнат» деган алоҳида модда кири-тиб, унда меҳнат қилишнинг умумий асослари ҳақда судьяларнинг бир ойда бажарадиган иш ҳажми меъёрлар (нормативлар) асосида белгиланиши ҳақда норма кири-тилиши мақсадга мувофиқдир.

Саккинчидан, лойиҳанинг 65-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш лозим.

«Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг азёси бўлишлари ҳақда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас, илмий, педагогик ва ижодий фао-лият бундан мустақило. Судьяларга илмий, педагогик фаолиятда ишти-роқ этишнинг таъминлаши ўз на-вбатиди, кадрларни тайёрлашнинг миллий дастури талаблари асосида юқори малакали юрист мутахассис-ларни тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўққизинчидан, лойиҳанинг 63-моддасида судьялар давлат бай-роғи олдида тантанали вазиятда қасамд қилиши кўрсатилган. Шу сабабми, давлат маҳдиси ҳам ижро этилиши кўзда тутилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, «Судлар тўғрисида»-ги Қонуннинг қабул қили-ниши суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўз навбатида ҳўжалик судлари фаолиятининг самарадор-лигини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, қорхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низо-лаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатла-рини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада қонунчиликни мустахкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш-га ёрдам беради.

Шукрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори

МУҲИМ БОСҚИЧ

Бу дастуруламал вазифа бево-сита ҳўжалик судларига ҳам таал-луқли бўлиб, унинг тизимини ислох қилиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бинобарин, Ўзбекистон Респу-бликаси Конституциясининг 111-мод-дасига кўра, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртаси-даги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга ке-ладиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан уларнинг вако-латлари доирасида амалга ошири-лади.

Маълумки, Ўзбекистон Респу-бликаси ҳўжалик судлари тизими 1992 йилда умумэтироф этган ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги ва инсонпарвар демократик жамия-ти қуриш зарурати тан олинганидан кейин шаклланди. Ҳўжалик судла-рининг мақоми Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилин-ган Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғриси-да»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда 1993 ва 1997 йиллар-да қабул қилинган Ҳўжалик-процес-суал кодекси билан мустахкамлан-ди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳўжалик судлари фаолиятини та-комиллаштиришга қаратилган қатор фармонлари қабул қилинди. Жум-ладан, 1996 йил 25 июлдаги «Ўзе-бекистон Республикаси ҳўжалик суд-лари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги Фармон билан Тош-кент шаҳар ҳўжалик суди ташкил этилиб, ҳўжалик судларининг тар-киби, миқдори ва тузилиши тасдиқ-ланди. Ҳўжалик судлари қарорла-ри ижросини таъминлашга оид қора-табдилар тўғрисида-ги 1997 йил 5 февралдаги Фармон билан мулк шаклидан қатъий назар, давлат

органлари, қорхона, ташкилотлар ҳамда уларнинг раҳбарлари томо-нидан ҳўжалик судлари қарорлари-нинг ўз вақтида ва аниқ ижро этили-ши юзасидан жавобгарлигини оши-риш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 1998 йил 4 мартдаги «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жа-вобгарлигини кучайтириш тўғриси-да»-ги Фармони билан ҳўжалик суд-ларига мансабдор кўриш жараёни-да ҳўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахсларнинг ҳаракат-ларида жиноят аломатлари аниқ-ланганда жиноят ишларини кўзга-тириш; иқтисодий ҳуқуқбузарлик со-дир этган шахсларга нисбатан маъ-мурий жавобгарлик чораларини қўллаш; ҳўжалик юритувчи субъект-ларга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисо-бидан қоплаш; пул маблағлари ва бошқа мулклардан самарасиз фой-даланганлик, тўлов интизомини бу-зиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида қорхона-ларни банкротлик (ночорлик) дара-жасига олиб келган раҳбарлар ва бошқа шахсларни интизомий жа-вобгарликка тортиш, уларни эгал-лаб турган мансабларидан озод қилиш тўғрисида тегишли орган-ларга тақдимномалар киритиш ва-зифаси юклатилган.

Ҳўжалик судлари одил судловни амалга ошириши, суд ҳимояси са-марадорлигини таъминлаши, иқти-содиётда ҳуқуқий тартиботни ўрна-тиши ва мустахкамлаши лозим. Бу

ри ва хорижий сармоядорлар ўрта-сида мулкий муносабатларни ке-нгайтириш учун қулай шароит ярат-моқда. Аммо шу билан бирга ҳуқуқий муносабатга киришадиган ҳўжалик субъектлари ўртасида шартнома мажбуриятларидан келиб чиқади-ган ҳўжалик низолари ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, 2000 йилнинг 8 ойи давомида республика ҳўжа-лик судларига 25243 та даъво ари-залари келиб тушган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2635 тага кўп демакдир. Жорий йилнинг 8 ойида ҳўжалик судлари томо-нидан 22007 та низо кўриб чиқилди ва даъвогарлар фойдасига 672 мил-лиард сўм ундириб берилди. Рес-публика бюджетига 741,0 млн. сўм давлат божи ва жарималар унди-рилди.

Демократик ҳуқуқий жамият қуриш ишига ҳисса қўиши ҳар бир фуқароннинг, айниқса ҳуқуқшунос-ларнинг муҳаддас бурчидир. Ҳўжа-лик судлари, унинг суд ҳокимияти-да тутган ўрни ҳақида одамларда аниқ тасаввур уйғотиш, мамлаката-мизда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ту-шуштириш мақсадида низоли иш-ларни бевосита жойларга бориб, сайёр суд мажлисларида қўришга ҳам қатта эътибор берилмоқда. 2000 йилнинг 8 ойи давомида 845 та низоли иш ҳўжалик судлари томо-нидан сайёр суд мажлисларида қўрилди. Аҳоли орасида ҳўжалик судлари ҳодимлари томонидан тур-ли ҳуқуқий масалаларга оид маъру-за ва ҳўжалар ўтказиб келинмоқ-да.

Таъкидлаш жоизки, ҳўжалик суд-

ни ҳуқуқлаштиришда катта аҳа-миятга эгадир. Айниқса, суд қарорла-ри ижросига оид ҳозирги даврдаги ечимланган муаммоларни ҳал қилиш, унинг қонунчилик асосларини ярат-иб, суд ижрочилари ваколатлари-ни кеңгайтириш талаб этилмоқда. Шу билан боғлиқ равишда суд назо-рати институтининг самарадорли-гини ошириш ўз навбатида суд му-стақиллигини таъминлашга ҳам шароит яратади.

Энди «Судлар тўғрисида»-ги Қо-нуннинг янги тахрири юзасидан ай-рим фикр-мулоҳазаларни баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблай-ман.

Биринчидан, лойиҳанинг 3-мод-дасини Конституциянинг 114-мод-даси тахририга мос равишда «суд ҳўжжати» сўзларини «суд ҳоки-мияти чиқарган ҳўжжатлар» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, лойиҳанинг 3-мод-даси, 14-моддаси 2-қисми «жамоат бирлашмалари» сўзларини «нодав-лат нотижорат ташкилотлари» сўзла-ри билан алмаштирилса Фуқаролик кодекси ва «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тўғрисида»-ги Қонунда фойдаланилган атамаларга мос ке-лади.

Учинчидан, ҳўжалик судларида судья ёрдамчилари ёки суд котиби лавозимини жорий этиш ва уни ке-лгусида хизмат поғонаси бўйича улар-ни судьяликка ҳаққига олишда эътиборга олиш шартлиги ҳақидаги талаблар ҳам ўз ифодасини топиши лозим.

Тўртинчидан, хорижий давлат-ларнинг тажрибасини инобатга олиб, судьяларнинг ижтимоий му-

ХААҚ ТАЪМИМДА НИМА ГАП?

Мустақилликнинг илк қунларидан бошлаб республикаимизда ёшлар тарбиясига ва улар-нинг билим олишига қатта эътибор қараб келмоқда. «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Президентимиз Исмоил Каримовнинг ушбу орасузининг ижобат бўлаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрда эълон қилган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»-ги қарори, айтиш жоизки, ана шу эзгу ният йўлида қилинаётган амалий ишларнинг давомидир. Қарорнинг тўртинчи бандида ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаган-ларнинг сакланиши, уларни ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароитлари устидан назоратни кучайтириш ҳақида сўз боради. Сирдарё вилояти, Бобўт туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Мирзақобилов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Тўлқин ака, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори ўз навбатида халқ таълими ҳодимлари зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Тўғрими?

— Дарҳақиқат, Вазирлар маҳкамасининг «Вояга етма-ганлар ишлари бўйича комис-сиялар фаолиятини такомил-лаштириш ҳақида»-ги қарори аниқ пайтида давр талабиди келиб чиқарилган қарор бўлди.

Маълумки, бола тарбияни оиладан сўнг мактабда ола-ди. Шу сабабли ҳам уларни тарбиялаш, ижтимоий меҳ-натга жалб этиш айнан ўқитув-чиларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Вояга

етмаганлар ўртасида ҳуқуқбу-зарлик, жиноятчиликнинг ол-дини олишда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкор-лиқни йўлга қўйилиши яхши натижа беришини биз ўз та-рибамиздан биламиз. Ёшлар-нинг «Камолот» жамағармаси туман бўлими, туман ИИБ, туман прокуратураси жамо-ат ташкилотлари билан бир-галикда ўтказаятган ёшлар-ни спортга, ҳарбий ватанпар-варликка қизқитирувчи турли тадбирлар, ҳуқуқий йўналиш-

қилаётган ҳаракатини қонун нуқтаи-назаридан баҳолаб, унинг оқибати нимага олиб келишини билган ҳар қандай киши ўйлаб қадам босади.

Бевосита туманимиз мак-таблари мисолига қайтсак. Туманимизда 45 та умумтаъ-лим ва 1 та иқтидорли бола-лар лицейи мавжуд. Бироқ, «Давлат ҳуқуқи асослари» фани 8-9 синфларда ҳафтада

бир соатдан ўқитилмоқда. Шу ерда айтиб ўтиш керакки, дарс соати йилга 36 соатни ташкил этади. Бироқ бу кам. Бундан ташқари ушбу фан-дан дарс берувчи 46 та ўқитув-чидан 10 таси мутахассис эмас. Дарслик масаласига келсак, ҳозирда 8-синфлар-да 1998 йилда чиқарилган «Давлат ҳуқуқи асослари» (Му-аллиф О. Каримова) дарсли-гидан фойдаланилмоқда. 9-синфлар учун эса дарслик масаласида анчагина муам-

молар мавжуд.

— Кейинги пайтда кўпчи-лик ота-оналар фарзандла-рига дарсликлар излаб юриш-гани ҳақида эшитиб қола-миз. Мумкин бўлса, ушбу ма-сала туманда қандай ҳал эти-лаётгани ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтсангиз.

Дарҳақиқат, дарсликлар муаммоси ҳамма жойда бўл-гани каби бизнинг туманда ҳам мавжуд. Айниқса, бош-ланғич синфлар учун ўқув дар-сликларининг етишмаётгани бизни тавҳишга солмоқда. Ана вақтдан буён туман халқ таълими томонидан дарслик-лар билан тўла таъминлаш-нинг имконияти йўқ. Туман матбуот бажамияти томонидан эса дарсликлар билан савдо қилувчи махсус дўкан ташкил қилиниши негадир пайсалга солиниб келинмоқда. Бун-дан устамонлик билан фой-даланган айрим «ишбилар-мон»лар эса ўқув дарсликла-рининг чакана бозорини таш-кил қилишмоқда. Ва улар дар-сликларни хоҳлаган нархда пуллашмоқда.

Дарсликлар билан таъмин-лаш чоралари кўрилган. Мак-табларимизда дарсликлар

савдоси ташкил қилинган. Аммо бунинг учун маблағ масаласида муаммоларга дуч келилмоқдими. Бу йил бирин-чи синфга 1757 нафар ўқувчи қабул қилиниб, 60 фоиз ўқув дарсликлари билан таъмин-ланди. Асосий етишмаётган дарсликлардан 5-6 синфлар-да Ботаника, Тасвирий санъ-ат, Жаҳон тарихи, Ватан та-рихи, Мусиқа дарсликқилла-рини айтиш мумкин. Меҳнат таълимига оид дарсликлар эса умуман йўқ. Бошланғич синфларда Рус тили, Куза-тиш дафтери, Ҳусниқат, Та-бият, Одобнома, Мусиқа каби дарсликлар бўйича етишмов-чиликлар мавжуд.

Миллат келажаги бўлган ёшлар тарбияси бугун ҳар бир фуқароннинг муқаддас вази-фаси бўлиши керак. Фарзан-дарларимизга бугун қандай шароит яратсак, уларни қан-дай парваршиласак, эртага мевасининг таъми ҳам шунга яраша бўлади. Буюк мутафак-кир А. Авлоний таъкидлаган-нидек, «тарбия биз учун ҳаёт мамот масаласи» эканлиги-ни унутмаслигимиз даркор.

Суҳбатдош:
Ж. ШАРОФБОЕВ

ОРЗУЛАР ЙЎЛИДА

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Биринчи бўлиб Мўмин ака Сотволдиев гап бошлади:

— Ман ўттиз йилдан бери шу гаражда ишлайман. Бирон марта бунақа иш бўлмаган. Аҳил ишлардиқ. Мана энди текшир-текшир билан ишлатган кўймаяпти. Ҳали у ёққа ёзади, ҳали бу ёққа ёзади. Ўнча кўйишин, иккови мурося қилиб, келишиб ишласин.

Дастлаб, юзма-юз гаплашганимизда ҳам Мўмин ака шу гапларни айтган, қозғога тушириб беришни сўраганимда «ёзишга ўқувим йўроқ» деб кўнмаганди. У зинининг гапларига қараганда, саккиз ойча аввал «ЗИЛ-130» русумли юк машинасини ҳисобдан чиқаришган, тўрт ойча ишсиз қолган, тагин тўрт ойча ўз ҳисобидан таътилда юрган, кунчи кеча аниқроғи, 18 сентябр кунчи ишга тақлиф қилиб, «КРАЗ» русумли юк машинаси ҳайдовчисига шериқ қилиб қўйишган. Саккиз ой ишсиз юрган ҳайдовчи нега автосаф, қорхона маъмуриятига эмас, аризага — ўзи каби ҳайдовчига даъво қилаётгани таажубга солади кишини. Андижон вилояти 7-ҳўжалиқ ҳисобидидаги автоқорхонага (яқинда ҳиссадорлик жамияти мақомини олган) қарашли Шахрихон автосафига (автоколонна) Нуриддин Салайдинов қарийб беш йилдан бўён раҳбарлик қилади. Шу даврда юк автомобилларининг яримидан ортиғи ҳисобдан чиқарилиб, ўрнига биронта янги машина олинмагани, аксарият ҳайдовчилар ишсиз қолиб, мажбурий таътилга чиқиб, ё деҳқончилик, ё ижара машиналари қирақашлик қилиб юрганлари учун нега оддий ҳайдовчи — «ёзувчи» Солижон Жаббаров жавоб бериши керак?

Эки машиналарни эҳтиёт қисмлар билан, масалан, баллонлар билан таъминлаш ҳам «ёзувчи»нинг ваколатига қирадими? Айнан баллонлар ишдан чиқиб кўп машиналар тўхтаб ётибди. Қўриб етатидан ҳайдовчилар ўз ҳаменидан моторларни таъмирлаб, баллон ва бошқа эҳтиёт қисмлар топиб, машиналарини юргизишди. (Шу кунларда ниҳоят ушбу автосафга ҳам бош қорхона 10 донга баллон ажратиб берди). Бошқа эҳтиёт қисмлар қачон берилганини ҳайдовчилар унутиб юборишган.

— Текшир-текширлар қорхона ишини тўхтатиб қўяяпти! — деди «КРАЗ» машинаси ҳайдовчиси Исроимжон Мўминов.

— Бошлиқни ҳали судга, ҳали терговга қақираверса, қўли ишга борадими?

Бу гапда жон бордай. Дарвоқе, бош қорхона берган маълумотларга қараганда автосаф 1998-99 йилларда режа топшириқларини 75,6 ва 59,5 фоизга бажарган, ҳолос. Тўғри, 1998 йил сентябр ойда автосаф бошлиғи Нуриддин Салайдиновга нисбатан Шахрихон туман суди маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўрган, сайёр суд мажлиси гаражда ўтказилган. Бироқ, жабранувчи, автосаф ҳайдовчиси Солижон Жаббаров Шахрихон туман судининг собиқ раиси М. Ҳасанов сайёр суд мажлисида чиқарган қарорга нисбатан вилоят судига қасaccia тартибидеда шикоят ёзди. Ҳозир орадан икки йил ўтган, ушбу қарорнинг қонунга зидлиғи, бир томонламалиғи, юзалиғи ҳуқуқшунос бўлмаган кишига ҳам яққол аён бўлади. «Суд мажлисида аниқлаштирилган, ҳуқуқбузар Салайдинов Нуриддин 1998 йил 2 сентябр кунчи соат 10 лар чамаси Шахрихон шаҳар 7-сонли қорхонада шу автоқорхонада ҳайдовчи бўлиб ишловчи фўқаро Жаббаров Солижон билан ўзаро жанжаллашиб, уни уриб қасддан енгил тан жароҳати етказган». Судья ушбу қарорга «ҳуқуқбузарликнинг» энг асосий жиҳатини қиритмаган. Бундан беҳабар киши «ха, энди бошлиқ билан ҳайдовчи безорилиқ қилиб муштлашибди-да, иккаласи ҳам маъмурий ҳуқуқбузарга чиқарилиб, бири 1400 сўм (Н.Салайдинов), бири 1100 сўм (С.Жаббаров) жаримага тўғри тортилиб-

ди», деб ҳулоса чиқаради. Агар судья ҳатто автосаф бошлиғи тарафдори бўлган гувоҳларнинг ҳам кўргазмаларига эътибор берганида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида эмас, балки жиноят иши қўзғатишга тўғри келарди. Аслида, «ҳуқуқбузарлар» кўчада, қорхона ҳовлисида эмас, балки бошлиқнинг ҳонасида «ёқалашган», аниқроғи, бошлиқ қўл остидаги ходимни кабинетига олиб кириб урган эди. Н.Салайдинов С.Жаббаровнинг юзини қона-тиб, қорнига тегган, уларни ажра-

да, шу одам билан ишлайман, қасдлашмай, деган ҳаёлига борди. Бироқ «Кўлингдан нима келди?» қабилидаги муомалани қўриб, охирига-ча қуралишга жазм этди. Вилоят, республика идораларига, Олий судга ёзган аризалари ниҳоят инобатга олинди. Андижон вилоят судининг собиқ раиси К.Тошпўлатов томонидан Шахрихон туман судининг Нуриддин Салайдинов ва Солижон Жаббаровга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид қарори бекор қилиниб, назорат тартибидеда қўриб

пайтида С.Жаббаров «Энди у ерда ишлай олмайман, машинани ўзларингга олаверинглар, 50 минг сўм берайсизлар» деган ва Ж.Қамолов С.Жаббаровга 50 минг сўм бериб, машинани ўғли Дилшодга олиб берган. Ижара шартномасида юк машинасининг техник ҳолати учун бутун масъулият ҳайдовчи зиммасига юкланган, ҳайдовчилар барча эҳтиёт қисмларни ўз пулларига сотиб олиб, машинага ўрнатишди. С.Жаббаровнинг тушунтиришича, бошлиқ билан уришиб қолганидан аввал-

— Жаббаров шу ерда ишласинми, ўзим оқетаимми?

Ҳайдовчилар М.Сотволдиев ва И.Мўминовдан бошқа ҳеч ким миқ этмади. Кимдир ўтирган жойида «кетсин» деди. С.Жаббаров ўрнидан туриб:

— Мен шунча йил шу ернинг нон-тузини ичдим, — деди. — Ҳайдовчиларнинг ҳаммаларидан розиман. Қарда бўлсам ишлайвераман. Ҳақ-хўқимни таллашиб, «ёзувчи»га чиқдим, шуниси алам қилади, ҳолос... «ёзувчи»... Бўхтон, тўхматдан

«ЁЗУВЧИ» ТАМФАСИ

ЁХУД ҲАҚ-ҲУҚУҚИ УЧУН КУРАШГАН ФУҚАРОНИ «СИНДИРИШ» УСУЛИ

Кўпчилик (60 фоиз бўлажак ҳиссадорлар) қатнашаётган жамоа ййғилишида қутилмаганда қаминга ҳам сўз беришди.

— Нимага асосан текширяпсиз, аризани ўқиб берсангиз?

— Бўлиб ўтган воқеалардан хабарингиз бор, — дедим журналист текшируви мақсидини тушунтириб, — «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга биноан шикоят, аризалар бўйича журналист текшируви ўтказилиши мумкин.

Ййғилиш аҳли жавобимдан қаноат ҳосил қилгач, аризани ўқиб бердим.

— Гаражга икки марта келиб, шу ерда ўтирган беш-олти киши билан гаплашдик. Кўпчилик ишда, йўлда бўлгани учун кўришолмагандик. Шу воқеага муносабат билдирсангиз...

тиб қўйиш учун ҳайдовчилар кабинетга кирганларидеда стол ағанаб ётган эди. Жабранувчи «ҳуқуқбузар» ўзининг қасaccia шикоятда, бошқа юқори идораларга аризаларида қайд этишча, автосаф бошлиғи гаражини таъмирлаш учун ҳайдовчилардан 5000 сўмдан ййғиб олишаётганини айтган. С.Жаббаров «Мен қорхона билан ижара шартномаси тузганман, раҳбардан сўраб қўриб, пулни бераман», дегани учун жанжал чиққан. (Тергов материалларида ҳам, суд мажлисида ҳам бу ҳолат қўриб чиқилмаган). «Хуқуқбузар» Н.Салайдиновнинг гапига қараганда, байрам олдидан ҳамма машиналар, шу жумладан, ижарага олинган учта машина ҳам автосафга келтириб қўйилиши лозим (ижара шартномасида айнан шу шарт қўрсатилмаган), лекин С.Жаббаров «КамАЗ» русумли ижара машинасини келтириб қўймадсан, «Тошкент йўлида, доводна бўзилиб қолди», деб ваҳ қўрсатган. Буйруқни бажармагани, гап қайтаргани учун бошлиқнинг нафсонияти «азият» чекиб, ҳайдовчининг эсини қиритиб қўйиш учун кабинетига олиб кирганда...

Агар ҳар қандай бошлиқ ўзига эътироз билдирган, қўл остидаги ходимни қалтаклайверса... Туман судининг раиси М.Ҳасанов ушбу ишчи амалдаги қонунлар доирасида қўриб чиқиб, ҳал қилганида эди, Солижон Жаббаров поймол этилган ҳақ-хўқимни тиклаш учун шикоят устига шикоят ёзиб, пешонасига «ёзувчи» тамғасини олмаган бўларди. Андижон вилоят суди С.Жаббаровнинг аризасини қўриб чиқиб, Шахрихон туман судининг қарорини ўзгартириш қолдириди. Дастлаб шўрларал даврида мутелиққон-қонига сингиб кетган фуқаролар каби Солижон ҳам барибир шу қорхона-

чиқиш учун Шахрихон туманлараро прокуратурасига юборилди. 1999 йил 19 май кунги туманлараро прокуратура автосаф бошлиғи Нуриддин Салайдиновга нисбатан жиноят иши қўзғатди. Ушбу жиноят ишини қўриб чиққан Олтинқўл туман суди Н.Салайдиновни 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортиш, 7 ойлик иш ҳақидан давлат ҳисобига ушлаб қолиш, жазо муддатини ўз иш жойида ўташ ҳақида ҳукм чиқарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 декабридаги Амнистия тўғрисидаги Фармони-га асосан судланувчи жазони ўташдан озод қилинди. Ниҳоят, адолат тантанаси бўлиб. Бироқ Солижон Жаббаровнинг салкам икки йил иҳтиёридан ташқари ишлагай юрган кезлари учун, моддий ва фўқаролик шаъни оёқости қилинган учун маънавий зарарини ундириш ҳақида ҳукмида лом-мим дейилмади. Шунингдек, суд ҳўжалиқ ҳисобидидаги автоқорхонада юқоридидаги жиноятлар тақорланмаслиғи учун суд ҳукмини муҳокима қилиш, қўл остидаги ҳодимга қўл қўтарган раҳбарнинг эғаллаб турган лавозимига муносивлигини қўриб қиқиб ҳақида, ажрим қиқаришини лозим топмади. Оқибатда ишнинг мазмун-моҳиятидан беҳабар ҳамкасблари назарида жабранувчи жамоани тўзитган, ишчи орқага торган ййғовгар бўлиб қолаверди. С.Жаббаров суддан кейин ишга қайтмоқчи бўлиб, ижарадаги машинани сўради. Н.Салайдинов унга ҳозир машинасини минаётган Д.Қамолов билан келишиб, шерик бўлиб ишлайверишини айтди. Энди икки ҳайдовчи ўртасида низо чиқди. Д.Қамоловнинг отаси (ўзи хизмат сафаридеда бўлгани учун қўриша олмадик) тушунтириш хатида ёзишча, автосаф бошлиғидан қалтак еб, қасакхонада ётган

роқ у машинага 50 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни ўрнатган, «Хўласангиз уларни қиқариб оламан, ўзингиз янги қўйиб минаверасиз, хўласангиз ўша пулни беринг» деган. Қамоловлар рози бўлиб, ўша пайтда даволанишга, дори дармонга муҳтож С.Жаббаровга пулни келтириб беришган.

Суддан кейин дастлаб улар ўзаро келишиб, бир ой-бир ой «КамАЗ»-ни ишлатмоқчи бўлишди. Бироқ машинанинг баллонини алмаштириш керак, С.Жаббаров ишлагай юргани учун баллонларни сотиб олишга пули йўқ эди. Шу сабабдан, қолаверса, бир-икки марта гаражга келганида Д.Қамолов сафарда бўлганили учун ишлагай юраверди. Шу йил бошида эса унга икки йиллик меҳнат таътили беришди. Июль ойларидеда яна машинасини сўраганида Ж.Қамолов «50 минг сўмни қайтариб берсин», деб шарт қўйди. Жамоа ҳозирги нархнавога қиёслаб, 125 000 сўм қайтариш лозим деган қарорга келди. Бироқ машинани Д.Қамоловдан С.Жаббаровга ўтказишга оид даллолатномада тўртта баллон яроқсизлиғи қайд этилган. С.Жаббаров Д.Қамоловга 50 минг сўмни қайтариб бераётиб, «Баллонларни янгиласа, қолган ҳаққини бераман, истамаса ўша пулга ўзим баллон ўрнатиб, машинани юргизаман», деб шарт қўйди.

— Уларнинг ўзаро олди-бердиларига мен аралашмайман, ўзларига ҳам айтганман, — дейди Андижон туманида жойлашган бош автоқорхона раҳбари Абдусалом Нуралиев. — Ижара шартномаси бўйича ижара пулини тўлаб турган одам — машина эгаси. Солижон Дилшод билан келишиб, машинани миниб юришига мен қарши эмасман. Ота-болалар ҳам ишсиз қолмайдилар. Ани, битта машина бердим, тузатиб ишга қиқаришди. Агар Солижонга Шахрихон автосафидеда таъйин қўзиб, ишлатишмаётган бўлса, бошқа хўлажан автосафга, Андижонга, Марҳаматгами машинасини билан ўтказаман. Шахрихонда жамоа ййғилишида ҳал қиламиз бунчи. Ўзи қорхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантириш учун мажлис қилиш керак эди. Ариза беш минутда ҳал бўлади. Кейин янгича ишлашни келишиб оламиз.

Орадан уч кун ўтиб, мажлисда Абдусалом Нуралиев масалани кўндаланг қўйди.

иборат шикоятлар ёзишни «қасб» қилиб олган, ичи қора, ийғовгарлардан нафратланиб, одамлар уларни қўштириқчи ичидеда ёзувчи деб аташди. Ўз ҳақ-хўқимни учун курашган, ўзининг ҳақлиғини исботлаган фуқаро нега энди «ёзувчи» бўлсин? Солижон Жаббаров нафақат ўз ҳақ-хўқим, шу йўл билан ҳамкасбларининг ҳам ҳақ-хўқимлари учун курашганини нега англашмайди? Агар у йндамай кетаверганда, зўравонлиғи жавобсиз қолган бошлиқ кейин шу залда ўтирган бошқа биронта ҳайдовчининг шаънини, гурурини поймол этмайди, деб ким қасолат бера олади?! Ва ниҳоят, 4 ойдан бери маош олмаётган ҳайдовчилар нимага ҳақ-хўқимларини талаб қиқиб ўрнига бунчи талаб қилган ҳамкасбларига ола қарашади?

Шахрихон автосафига қасаба уюшма қўмитаси раиси Дадабой ака Қаримов ўртага қиқди.

— Бир пайлар ноҳақликларга қарши хат ёзганимизда имзо қўйган 15 кишидан 12 таси гапини қайтариб олганди. Мени раисликдан бўшатамиз деб уч-тўрт бор қаракат қиқилди, лекин сизлар яна сайлаб қўйавдирларинг. Нимага индамай-сизлар, нимага тўғри гапни гапирмай-сизлар? Икки йилдан бери бирорта раҳбар келиб, «Ҳой, қанақа ишлайсизлар, нима дардларинг бор» деб сўрадики? Нимага ижара машинасини Андижонга бериб юборамиз? Ахир, мана шу учта ижара машинаси ойига 23 мингдан тўлаятти, шунинг ҳисобига ойлик олаятти, шунинг ҳисобига ашяапмиз-ку! Дадабой акадан тақлифини сўрашди.

— Солижон шатта ишласин!

Яна сукут. Унинг тақлифини ҳеч ким қўлмади.

— Гап шу, Солижон Андижонда, қўзим олдидеда ишлайди, — деди А.Нуралиев.

Ҳақ-хўқимни талаб қилган фуқарони қонун доирасидан қиқмай туриб ҳам «синдириш» усуллари оз эмас. Шундай «усуллар»дан бири-жамоани «ёзувчи» га қарши қўйиш. Солижон Жаббаров бу сафар ҳам синмади, маънавий «суд»-да ҳам енгилмади. Энди уни, унга қўшиб ййғилишида ҳам сўзларни гапирган Дадабой акани «синдириш» учун яна қандай усуллари ўйлаб топишаркин? Улардан бири ҳақида бошлиқ — Н.Салайдиновнинг ўзи ёриди:

— У машинани 50 мингга сотган-ку! Уч-тўрт киши бизам ёзамиз дейишяпти.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Хўқуқ» муҳбири

ҲИҶОҶ СЎЗ

Ота. Бу сўзни эшитган ҳар бир инсоннинг кўз олдига ўзига энг азиз бўлган меҳрибон, қаттиқ қўл ва қудратли инсон пайдо бўлади. Ота — бу сўзнинг замирида жуда улугъ маъно ва мантқиқ ётади. Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишида ота ўрнини босадиган шахс йўқ. Ота мўътабар ва улугъ. Қадимда ота ўтирган уйнинг томига чиқиб гуноҳ ва одбосизлик ҳисобланган. Отанинг ҳақиқий тарбиясини олган инсонлар ҳаётда қоқилишмаган. Ота — уйнинг подшоҳи, она унинг вазири деб улугъ аждодларимиз бекорга айтишмаган. Қайси оилада «подшо»нинг обрўси бўлмаса ўша хонадонда кут-барақа, меҳр-оқибат йўқолган. Бу бор ҳақиқат. Минг афсуслар бўлсинки, кейинги вақтларда кўпгина оилаларда оталарнинг ўрни пайсасиб кетмоқда. Оқибатда ана шундай оилаларда иродасиз, қўрқоқ, гурусиз йигитлар вояга етиб жамиятнинг кемирувчи кўртларига айланмоқда.

Фурури йўқолган оилада, отанинг қатъий сўзларини эшитмай ўсган йигит ширин жонининг гамида нафсининг чўрисида айлиб қолмоқда.

Яқинда ойнаи жаҳонда андижонлик бир отани кўрсатди. Ўғли Ҳизбут-тахрир йўлга кириб уйдан чиқиб кетган. «Ўғлим Алишер, биз сени икки йилдан бери кутамиз. Сени кута-кута бувининг кўзлари кўр бўлиб қолди. Юртбошимиз сенга ўхшаганларни кечирди. Ватанга қайт, болам. Бизни не кунларга қўйдинг» — деб йиғлаб юборди. Икки ёшли қизим Саида телевизорга қараб: «Дада, қаранг йиғлапти», — деди.

Ўша манзара юрагимга жуда бошқача таъсир қилди. Нимагадир бир икки кун ўша отанинг йиғлаб гапирётган манзараси кўз олдидан кетмади.

Бу отанинг дарду аламини ҳис қилишнинг ўзи ҳар қандай юракни ўртаб юборди. Ҳар қандай ота оиласида ўғил туғилганда осмонда учиб юради. Дўсту биро-

нинг муқаддаслигини бир умр қалбда сақлаган. Ва ана шу туйғуни фарзандларига ҳам сингдира олган.

...Сиднейда Ўзбекистоннинг байроғи кўтарилиб, давлатимиз гимни янгради. Шохсупага биринчи бўлиб боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев кўтарилди. Бу манзарани дунё кўрди. Бу воқеани кўрган юртимизнинг бир оқсоқоли «Мен ҳаётда йиғламаганман. Аммо мен ҳам бир марта йиғладим. Шундай жасур йигитимиз борлиги учун», деди. Бу севинч ёшлари эди. «Ота ўғил шундай бўлиши керак!».

Муҳаммадқодирнинг отаси ҳам оддий қишлоқ одами. У киши ўғлини аэропортда кутиб олиш учун чиққанида бағри тўла гул билан турарди. Уни ўғлининг галабаси билан ёру дўстлари, қариндош уруғлардан ташқари неча-неча юртдошларимиз бағирларига босиб, гуллар билан табриқладилар.

дининг ким билан ниманинг дардида юрганини билмаса?

Ўғли бор отанинг ҳаммаси ота бўлавермайди, — деган эди шарқ донишмандларидан бири.

«Тақдирни қўл билан яратур инсон. Фойибдан келажақ бахт бир афсона» — деган эди академик шоир Ф.Ғулом. Тўрт мучаси соғ инсон ёруғ оламда ўз орзуларига эришиши мумкин. Бунинг учун фақат ҳалол меҳнат қилиш лозим. Етиб бўлмайдиган чўққи бўлмагани сингари ушалмайдиган орзу ҳам бўлмайди. Агар у хаёл бўлмаса. Инсон бой-бадавлат бўлиб яшашни истаса имкониятлар етарли. Айниқса ҳозирги даврда. Дангиллама уйлар қурган, хориж машиналарида юрганлар ҳаммаси ҳам нопок йўллар билан пул топмайди-ку. Ҳаром пул учун Ватани ва иймонни сотиш пасткашлиқдир. Бойликни ҳалол йўл билан топса ҳам бўлади-ку.

Олимпиада бошланиши арафасида Президентимиз Ислам Каримов мазкур мусобақада совринли ўринларни эгаллаган спортчиларни алоҳида рағбатлантириш тўғрисидаги фармон эълон қилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармон асосида қабул қилган қарорига биноан, Олимпиаданинг олтин медали совриндори М.Абдуллаевга 100 минг, кумуш медал соҳиби А.Таймазовга 50 минг, бронза медалини қўлга киритган С.Михайлов ва Р.Саидовга 25 минг АҚШ долари билан пул мукофотлари бериладиган

чопарда ҳар кимларнинг молини сотиб юрарди. Энди мендан хурсанд: «ота ҳалол йўл билан пул топса ҳам бўларкан», дейди. Ота ақли бўлса — фарзанд хор бўлмайди.

- Анор ака. Ўрнингиздан туринг. Сизни ва ўғлингиз Дилшодни «Ниҳол» мукофоти билан табриқлаймиз. Ўғлингизнинг Францияда муваффақиятларини ҳаммамиз биламиз. Шундай талантли йигитни тарбиялаганингиз учун сизга раҳмат!

Бу сўзлар ҳашаматли қошонада машхур ўзбек бастакори Анор Назаров шаънига айтилди. Ота учун ёруғ оламда бундан юксак бахт бўлиши мумкинми?

Ўзбекининг бир боласи музикада юксак дидли французларни қойил қолдирибди, демек бу улугъ иш. Бунда отанинг хизмати катта бўлгани муқаррар.

— Ўғлим бўлмағур оқимларга кириб қолибди. Фафлатда қолибмиз. Мени кечиринглар, биродарлар, — деб ўзбек халқидан кечирим сўради, кўзда ёш билан избосканлик отахон фарзандларининг юртга қилган жабридан пушаймон бўлиб. Ота йиғлайди. Ҳамма айбон болаларига ағдаради. Бироқ ўғилларининг ойлаб, йиллаб бегона юртларда ўз Ватанига арзimas чой-чақа дардида тиш қайраб юрганини билмагандай.

Сиз кўз олдингизга келтиринг. Қўшин-

БАҒРИ ГҲЛГА ҚОНГА ТҮЛГАН ОТАЛАР



дарларига зиёфатлар беради. Ўша дамларда ундан бахтли инсон бўлмайди. Ўғлининг номи улугъ. «Ўғлим умримнинг давомчиси» дейди ҳар бир ота. Ўғли тета-поя бўлиб илк қадам ташлаганда ота қанчалик суюнади. Мактабга боргандачи. Мўйловлари сабза уриб қолган ўғлининг кўшни қиз билан алланамаларни гаплашётганига беҳос кўзи тушиб қолган ота қалбидан кечаётган ширин хаёлларни айтишга тил оҳиз.

Умидлар келажаги бўлган ўғил. Бир кун келиб, у ана шу умидларга ўт қўйиб, Ватанига хиёнат қилиб, азиз хонадонини ташлаб кетса не бўлади. Ота йиғламай-дими? Ота бўзламай-дими? «...Юртбошимиз сенга ўхшаганларни кечирди. Ватанга қайт, болам».

Қадим юртимиз не-не кунларни бошидан ўтказмаган. Оталаримиз юрт бошига иш тушганда ҳам йиғламаганди. Ватан учун тақдирга тан берган. Аммо, йиғламаган, йиғламасдан жангга кирган. Умр йўлдошлари йиғлаганда ҳам «Йиғлама. Яхши кунлар олдинда» дея ёстиқдошининг юзлариданги ёшни қадоқ қўллари билан артиб қўйган.

Экранда ота йиғламоқда. У ўғлининг Ватанга хиёнат қилиб юргани учун йиғлапти. Хиёнатни юрагига сиғдирилмаган ота йиғлапти. Юрт олдига гуноҳкор бўлгани учун йиғлапти. Умидларига ўт қўйган ўғли бир кун келиб шу Ватанига яроғ кўтариб келишидан кўрқиб йиғлапти.

Мирзо Бобур узоқ Ҳиндистонда жон таслим қилаётганда фарзандларига бир сўзни айтган экан. «Мен сизларни Ватанин сиз қилдим. Ватанга ёроғ кўтариб борманг. Агар шундай қилсангиз, мен гўримда тик турман». Бу ҳақиқий мард отанинг сўзи. Улугъ Бобур Ватани соғиниб оламдан кўз юмган. У ҳатто ўз ўлимидан сўнг ҳам Ватани узра фарзандларининг яроғ кўтариб боришини истамаган. Она ватан-

Ота учун бундан ортиқ бахт борми? Неча-неча оталар Муҳаммадқодирнинг отасига ҳавас билан қарамади дейсиз. Ўша тонг эрталаб неча-неча оталар ўғилларини бокс тўғаракларига етаклаб борган бўлса не ажаб.

— Юртбошимизнинг табрик шошил-чомасини олганимда «Баракалла ўғлим», дея гурурланиб қўйган отам, менга чексиз меҳр билан боқиб турган онам, фарзандларим, ёр-биродарларим кўз олдимда бир-бир гаवलанди, — дейди Муҳаммадқодир.

— Сиз нима учун ўз ватанингизга хиёнат қилдингиз? — деб берилган саволга «Пул учун» деб жавоб берди Ҳизбут-тахрирнинг бир аъзоси ойнаи жаҳонда.

Пул. Пули кўп одам ҳаётда шоҳона яшаш мумкин. Ҳар бир инсон ҳаётда бахтли яшашга ҳақли. Аммо, пул деб Ватанига хиёнат қилган одам ҳеч бир замонда оқланмаган ва оқланмайди.

Ўзу кун кўча-қуйда юрган боладан нима кутиш мумкин. Унинг ота-онаси фарзан-

бўлди.

Юрт отаси ўз ваъдасининг устидан чиқди. Олимпия қатнашчилари билан бўлган учрашууда шундай деди: «Ватан сизларнинг хизматларингизни муносиб тақдирлайди. Юртга ва Ватанга қилинган хизмат эса унутилмайди».

Юрт отаси Ватанга ҳақиқий хизмат қилган инсон моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашиши амалда исбодлади. Ҳақиқий меҳнат билан барча соҳада ҳайратомуз пул топса бўлади. Бунинг учун ҳар бир оиланинг «подшо»си фарзандларининг қалбига ва қулоғи ана шу поклик ўғитини сингдириш керак. Бугун пул топиш учун спортда ҳам, тижоратда, деҳқончиликда, қўйинки барча соҳада имкониятлар етарли. Яқинда арнасойлик бир танишимни учратиб қолдим. У узоқ йиллар чўлда раҳбар бўлиб ишлаганди. «Пахта иши» да жабр чекиб соғлигини йўқотган. «Уч ўғлимни ёнимга олиб деҳқончилик қилдик, — деди ўша танишим.

— Худога шукр, худо берди. Бир йилги даромадимиз ҳисобидан тўй қилдик. Ўғилларим Тошкентдан «оқ от» олиб келишди. (Жигули» демоқчи). Улар Тошкентда От-

гизнинг биронта қўйи йўқолиб қолди, дейлик. Унинг қанчалик асаби бузилиши мумкин. Қўйи-қўшнлардан сўрайди. «Қўйимиз йўқолиб қолди. Сизнинг қўйларингизга қўшилиб кетмадими?» дейди. Қўй топилса яхши. Топилмасачи? Унда кўринг. Наҳотки бутун бошли 3 нафар ўғил ойлаб йиллаб уйига келмаса-ю оила бошлиғи ва унинг аъзолари билмаса. Бахтсиз отанинг гапига ким ишонади.

Қайси оилада отанинг ўрни бўлмаса, ўша хонадон подшоҳсиз давлатга ўхшайди. Подшоҳсиз давлатда ҳамма «хўжайин», ўтинчи ҳам, гадо ҳам. Ҳар ким билган ишини қилади. «Подшо»сиз нўноқ оила инқирозга юз тутиб элга шарманда бўлади.

Халқимизда олманинг тагига олма, бехининг тагига беҳи тушади, деган нақл бекордан-бекорга пайдо бўлмаган. Отанинг оиладаги ҳар бир ҳаракати фарзандларга, айниқса, ўғиллар учун «намуна» бўлади.

Битта яхши ота юзта ўқитувчининг ўрнини босади, деган экан шарқ донишмандларидан бири. Демак, ҳаётда ҳеч ким отанинг ўрнини боса олмайди. Яхши ота улугъ богбонга ўхшайди. Ўзининг «мева»ли дарахтини ўткинчи бўрунча шамоллардан яхши асраб тўғри парвариш қилса, йиллар ўтиб ўз меҳнатидан «баҳраманд» бўлади. «Отанга раҳмат» деган улугъ сўзни эшитилади. Юрт олқишига сазовор бўлиб бағри гулларга тўлади. Ота бўлиб оилада ўрни бўлмаган инсон вақти келиб бағри қонга тўлиши мумкин. Бу ҳаёт ҳақиқати. Фарзанд ўстираётган ҳар бир оила бошлиғи бунга қалбдан ҳис қилиши лозим. Ана шундагина юртимизда афсусдан йиғлаётган оталар бўлмайди. Оталар йиғламасин. Бағрингиз гулларга тўлсин, ота-жойлар!

ШУНДАЙ ОДАМААР БОР

Истеъдод Аллоҳ таолонинг инсонга ато этадиган буюк неъматидир. Истеъдоднинг бутун борлиги, гўзал қирралари билан намоеъ бўлиши ҳам шу истеъдод соҳибининг инсоний фазилатлари, интилишлари-ю толеига ҳам боғлиқдир. Таниқли олим, марҳум Ғайбулла ас-Салом «Кишининг исм-шарифи эзгулик йўлида ўз умрини бағишлаган соҳасининг ўзига хос рамзига айландими, демак у ўз ҳаётига теран мазмун бахш эта олган бўлади», дея кўп таъкидлагандилар. Устоз алломанинг ушбу фикрлари замирида олам-олам маъно бор, албатта. Ўз исми шарифини ўз соҳасининг муайян рамзига айлантира олган серкирра истеъдод соҳибларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатилган артист, бадий сўз устаси Ўткир Сиддиқовдир. Ўзбек конференсьелик мактабининг ёрқин намоеъдаси Ўткир Сиддиқов кўп йиллардан бери ўз касбини улуғлаб келаётди. Айтиш мумкинки, унинг ўзига хос овозини эшитмаган, маҳоратидан завқланмаган инсонни топиш мушкул.

Ўткир аканинг овози собиқ Иттифок худудидаги деярли барча катта шахарлардаги концерт залларида янграган. У интилан шахардаги қайси залнинг акустикасини, ўзига хосликларини ҳозир ҳам жуда яхши билади. Республикамизда эса Ўткир Сиддиқовнинг қадами етмаган шахару қишлоқлар деярли йўқ ҳисоби.

— Мехнат дафтарчамда бор йўғи битта ёзув бор. У ҳам бўлса «Шодлик» ашула ва рақс ансамблига ишга қабул қилинганим тўғрисида. Ҳозирда ҳам худди шу ансамблда (ҳозирги номи - «Ўзбекистон») ишлаб келаялман. Концертларни, турли тадбирларни олиб боришга мунтазам таклиф этиб туришади. Конференсьелик санъатим шарофати билан не-не юртларда бўлдим, не-не санъаткорлар билан учрашдим.

— Шундай учрашувлардан айримлари тўғрисида гапириб ўтсангиз.

— Бажонидил. Авваллари концертлар катта-катта, элга танилган санъаткорлар иштирокида ўтказилар, уч-тўрт соатгача чўзиларди. Ҳозир бундай тадбирлар «гала-концерт» дейилапти, лекин бунда ёш ижрочилар ҳам бемалол қатнашишапти. Фахриддин Умаров, Олмаҳон Ҳайитова, Таваккал Қодиров, Ботир Зокиров... Бундай улуг санъаткорлар қатнашадиган концертни олиб боришининг ўзи бўлмасди. Ҳар бири билан ўзига яраша мулоқот қилиш, олдидан режалаштириб олиш зарур эди.

Таниқли санъаткор, халқ артисти Тамираҳоним, айниқса, концертни олиб борувчи одамга алоҳида эътибор берар эди. Тадбир бошланишидан мени гриммхонасига қақарибди, бошдан оёқ разм солиб чиқарди. Қандай кийинганлигимни олдидан билишни истарди. «Томошабин сендан заррача хато топмаслиги керак, бекаму кўст бўлишинг зарур, болам» дея таъкидларди.

— Ўзингиз ҳам улар билан жўравоз бўлгансиз деб эшитганмиз...

— Ёшлигимдан сеvimли хонандамиз Ботир Зокиров кўшиқларини жуда яхши кўрдим, айтиб юрдим. Катта сахналарда кўп марта Тамираҳоним, Гулшод Отабоева каби санъаткорлар билан дуэтлар ижро этганмиз. Вальс ёки рақс тушишга тўғри келган тиллар ҳам бўлган. Ўзим ҳаж-

ларни ўқиб қўйиш билан иш битмайдди. У концертнинг ёки бошқа тадбирнинг ичига кириб келиши, энг асосийси томошабиннинг қалбига йўл топа олиши лозим. Концерт давомида ўринсиз бўшлиқлар, паузалар бўлиб қолмаслиги ҳам, томошабинни маълум бир санъаткор ижросидаги кўшиқлар кайфиятига мослай олиш ҳам конференсье зиммасидаги вазифа. Энг муҳими, юриш-туриши, имошораси ҳам санъаткорона бўлсин, овози эркин, табиий янгрисин. Ижрочини таништиришда ёки эълон қилишда шеърга ўхшатиб гапиришга асло хожат йўқ. Бу сунъийлик, томошабин эса ҳаётийликни, табиийликни истайди.

— Сизнинг турли тилларда гапира олишингиз ҳақида кўп гапиришади...

— Мени театр ва рассомчилик институтида (ҳозирги Санъат институти) ўқиб юрган пайтим, III курсдалигимдаёқ ишга олишган. Тайёр конференсье сифатида қабул қилишган. Кавказ, Крим, Молдова томонларга гастролга бориб, рус тилида концертларга етакчиликни бажарганман.

Таниқли санъаткорлар — Теша Мўминов, Дилбар Икромов, Малика Иброҳимова, Аида Юнусова каби курсдошларим билан самарали ижодий мулоқотларда бўлардик. Умуман, поляк, венгр, булғор, афғон, уйғур тилларида ҳам тад-

пиришим ўша телевидения сухандонларини ҳайрон қолдирганди. Афғон тилида концерт олиб борганимда сеvimли хонандамиз, марҳум Ботир Зокиров ҳам қатнашганди. Маълумлаб, тегишли фикр-мулоҳазаларни ҳам билдирганлар.

— Ҳозирги ёш санъаткорлар билан ижодий алоқаларингиз қандай кечаяпти?

— Яқинда ёшларнинг сеvimли гуруҳи — «Хўжа» нинг концертини олиб бордим. Биласизми, ўйлаб қарасам, ҳозир тўртинчи авлод санъаткорлари билан бирга ишлаётган эканман. Албатта, бу борада ҳам уйғунликка интилиш зарур. Ҳамма нарса ёшларбоп бўлиши, либосларгача тўғри келиши лозим. «Хўжа» нинг концертида ўзимни қушдай енгил ҳис қилдим, ёшларнинг кайфияти баландлигини кўриб, кўнглим тоғде кўтарилди...

Ўткир Сиддиқов тўғрисида сўз кетар экан, «бадий сўз санъати устаси», «ўз мактабини яратган санъаткор», «акделизм йўналиши намояндаси» каби таъриф тавсифлар ўз-ўзидан тилга олинади. Бу серкирра истеъдод соҳибининг ижодига санъаткорлару санъатшунослар, миллионлаб мухлислар томонидан берилган катта баҳоларнинг бир қисми, албатта. Ўткир Сиддиқовнинг жозибали, ўзига хос маҳорати ҳали қанчадан-қанча дилларга завқ шавқ бағишлайверишига ишончимиз комил. Унга санъатнинг серзаҳмат йўлларида ҳамиша сийҳат-саломатлик, янада



СЎЗ САНЪАТИ УСТАСИ



вий шеърлар, пародиялар ёзиб, томошабинларга ўқиб берганларим ҳам ёдимда. Умуман, конференсье серкирра қобилиятли бўлиши зарур деб ҳисоблайман. Ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетишга, томошабин эътиборини, диққатини ўзи ўтказаятган тадбирда ушлаб туришга қодир бўлиши лозим.

— Бу борада яна қандай жиҳатларни таъкидлашни истардингиз?

— Конференсье аслида бадий сўз санъати устаси дегани. Тайёр матн-

бирлар ўтказганман. Ёдимда бор, Польшага борганимизда мени Позконь телевидениясига таклиф этишганди. Поляк тилида сўзлашим, гапирганда ҳам муносабат тарзида га-

кўндан-кўп муваффақиятлар ёр бўлишига тилақдошмиз.

Сухбатдош:
Тўлқин РАХИМОВ

Internet ХАВАРЛАРИ

КОШТУНИЦА ИШ БОШЛАДИ

Бойслав Коштуница Югославия президенти лавозимини эгаллади. Войслав Коштуница шанба куни Белградда бўлиб ўтган тантанали маросимда иштирок этди ва Югославия парламентининг ҳар иккала палатаси депутатлари ҳузурида президентлик қасамедини қабул қилди.

Яшанба куни Югославия қуролли кучлари кўмондонлиги янги президентга бўйсунганини, армия дав-

лат бошлигининг буйруқларини сўзсиз адо этишини эълон қилди.

Шу куни Коштуница Югославия федерацияси таркибидаги Черногория республикасига нисбатан амалда бўлган иқтисодий блокадани бекор қилди. Серб-черногор чегараларидаги божхона постлари фаолиятдан тўхтатилди. В.Коштуница ўз сийасатининг асосини Югославиянинг халқаро ҳамжамият билан муносабатларини кучайтириш ва федерациядаги ички зиддиятларни тезроқ бартараф этиш вазифалари ташкил этишини маълум қилди.

Европа иттифоқи ҳам ўз навбатида Югославияга нисбатан қўлланган бир қанча санкцияларни бекор қилиш тарафдарида. Коштуни-

цанинг президентлик лавозимига келиши муносабати билан АҚШ президенти Билл Клинтон ҳам Югославия билан муносабатларни тезроқ йўлга қўйиш ниятини билдирди.

Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевичнинг ўғли Марко Милошевич ўз юртини тарк этди ва шанба куни JAT авиакомпанияси рейси билан Москвага учиб келди. У билан бирга рафиқаси ва ўғли ҳам ўз юртини ташлаб чиқишган. Кичик Милошевич отаси ҳуқуқронлиги даврида бизнес салтанатига эгалик қилар, чексиз имтиёзлар соҳиб эди.

CBS ЭКРАНИДА ЕЛЬЦИН

Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Ельцин аме-

рикалик таниқли телешарҳловчи Майкл Уоллесага интервью берди. Интервью ақшанба куни АҚШ нинг CBS телекомпанияси орқали эфирга узатилди. Унда Борис Ельцин «Россияда демократия тўла қарор топди» дея таъкидлади. Шунингдек, Ельцин Владимир Путин шахси ҳақида жуда илқ фикрлар билдирди.

Шу билан бирга Путин «Курс» кемасининг ҳалокати масаласида совуққонликка йўл қўйганлигини эълан қилди. Унинг фикрича, ўша машум ҳалокат содир бўлган пайтда Сочида дам олаётган янги президент Москвага қайтиб келмай тохтаб йўл қўйган. Борис Ельциннинг Россия ва АҚШ муносабатлари ҳақидаги фикрлари ҳам ажойиб:

Америка нуфузи Россиядан ҳеч бир жиҳатдан устун эмас. Маданий жиҳатдан Россия маълум маънода ҳали Америкадан юксак. Иқтисодий жиҳатларга келсак, Россия иқтисодий бўҳронлардан деярли чиқиб олди.

Шунингдек, интервью чоғида журналист собиқ президент учун унчалик ёқимли бўлмаган - Ельцин оила аъзоларининг коррупцияда айбланишига муносабати каби саволлар билан ҳам мурожаат қилди.

Сухбат мавзисида собиқ президент ўз соғлиги, альякоғолдан тийилишга ҳаракат қилаётгани ҳақида ҳам гапириб ўтган. Бу Борис Ельциннинг президентлик лавозимини тарк этганидан бундан илқ бор чет эллик журналистга интервью бериши эди.

АДОВАТ УТИ

Адоват, кек инсон қалбидаги яхшилик уруғини қуритади, меҳр-оқибатни сўдиради, эзгулик меvasини захри қотилга айлантиради. Йўқса бир қишлоқда туғилган, бир-бирини қувалашиб катта бўлган икки дўст бир кун бориб бир-бирининг умрига зомин бўлармиди?

КЕТМОННИ ЖИНОЯТ ҚУРОСДИГА АЙЛАНТИРДИ

Бу кек Зафарнинг кўнглида қачон илдиз отгани ўзига маълум. Лекин ҳаммаси 1998 йил 10 апрелда унинг Улўғбекнига маст ҳолатда бориб жанжаллашгани-ю, уни уриб судланганидан бошланди. «Номард Улўғбек мастликда қилган қўлполимни дўстим бўлиб кечирмади, бир кун қасдими олмай қўймайман!» — муштини қаттиқ сиқиб қўйди Зафар.

Қамокдан қайтган Зафарнинг кўнглида бу алам уруғи ниш ота бошлади. У Улўғбекни зимдан адоват, ёвқарашлик билан қарашлар, салом-алиқсиз узоқлашарди.

Мудҳиш қотилиш содир бўлган кун Зафар Улўғбекнинг даласига оқабган сувни ўз томорқасидаги бугдойзорга очиб олиб, унинг жиги-га тегиб ўз ниятини амалга оширмоқчи бўлди. Ҳар ҳолда у қутган вазият рўй берди. Зафар ҳамқишлоқлари билан сув бошида гурунглашиб ўтирганида велосипедда Улўғбек келиб қолди. У салом-алиқсиз, ҳеч бир гап-сўзсиз ариқ бўйига келди-ю, Зафар томонидан берки-тиб қўйилган ариқни қўли билан шоша-пиша оча бошлади. Уни зим-

дан кузатиб турган Зафар:

— Нима қиласан суви очиб? Ариққа сув сигмай кетиб, девор захлаб кетяпти, суви беркиб! — деди ўрнидан сапчиб турганча.

— Мен билан ишинг бўлмасин, далага сув қўйялман, — деди Улўғбек Меҳмонжўлов ариқни очишда давом этаркан. Шу жавобнинг ўзи Зафарнинг юрагиде узоқ вақт куч олиб ётган адоватнинг портлашига етарли бўлди. Қутилмаганда иккови бир-бирига ташланиб, сўқинишиб, муштлашиб кетишди. Шу ерда бўлган ҳамқишлоқлари Бахтиёр ва Ғофуржонлар уларни зўрга ажратиб олишди.

Улўғбек «Милиция қақириб, сени қаматаман!» деганча қишлоққа қараб кетди. Зафар эса ҳеч нарса бўлмагандек тўғон бошидаги сулачада ҳамқишлоқлари билан қолди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қайтиб келган Улўғбек велосипеддан туша солиб Зафарга бақирганча уни уятли сўзлар билан ҳақоратлай бошлади.

Улўғбекнинг ҳақоратли сўзлари шундоғам ич-этини адоват кемириб турган Зафарга яхши баҳона эди.

Зафар бугдойга сув очиш учун ишлатиб турган ёнидаги кетмонини шарт олди-ю, Улўғбекка қараб югурди. Жаҳл устида ўзини бошқаролмай қолган Зафар кетмон билан Улўғбекнинг бошига қаратиб солди.

Ўзини ўнглашга уринган Улўғбекнинг бошига яна икки-уч мартаба кетмон билан урди.

Бу аянчли воқеа кўз очиб юмгунча рўй бердики, ҳатто уларнинг ёнидаги ҳамқишлоқлари ҳам нима бўлганини англолмай қолдилар.

Улўғбек адоват қурбони бўлди. У олган оғир тан жараҳати туфайли ўша ерда қон берди.

Бир йигитнинг гулдек умри ҳазон бўлди. Унинг қотилига айланган йигитнинг қолган умри қамқоқ, тавқи ланъатга маҳкум этилди.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Ҳатто душманлар дўста, ёвлар сирдошга айланадилар. Лекин икки дўстнинг ёшлик хатолари, катталар томониде тўғриланмади ва салимий дўстлик ришталари қайта богланмади. Бир сўз билан айтганда, улар лоқайдлик, бепарволик қурбони бўлдилар.

М.КАЮМОВ,
Фаргона вилоят
прокуратурасининг прокуратура
идораларида терговни назорат
қилиш бўлими бошлиғи
Феруза СИДДИҚОВА,
журналист

Ё ТАВБА!

— Аёл ҳомиладорлик таътилига чиқмасдан фарзандли бўлиши мумкинми?

— Ўзи туғиб, атак-чечак қилмаган қақалоқ учун давлат томонидан нафақа олса бўладими?

Кўпчилик бу саволларга «йўқ» деб жавоб бериши турган гап. Бироқ қонун-қоидадан хабардор бўлганлар «Давлат органлари орқали ҳамма муаммонинг ечимини топиш мумкин» деб жавоб беришлари табиий. Аммо Наманган шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 3-сонли туғруқхонада ҳамшира бўлиб ишловчи Дилбархон Нурматованинг ҳаракати бу саволга акс жавоб бўлди.

Дилбархон шаҳарнинг Адашев кўчаси, 138-«а» уйда оиласи билан биргаликда яшайди. У турмуш ўртоғи билан кўп йилдан буён оила қуриб келаётган бўлсада, касаллиғи туфайли фарзанд кўрмади. Кўчаларда кичкинтойларини етлақлаб юрган оналарни кўрса, унинг ҳаваси келар, шунда «улар қандай бахтли-я, мен бўлсам...» деб ўқинарди. Қолаверса, оналарнинг ҳомиладорлик таътилига чиқиши, 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлиши, энг муҳими, бола учун давлат томонидан нафақа олиш каби имтиёзлар унинг ана шундай аёлларга бўлган ҳавасини янада ортирар эди.

Фарзандли бўлиш, шу тарика давлат томонидан нафақа олиш нияти Дилбархонни кўп ўйлантирди. Мақсадига эришиш йўлини кидирди. Ташқаридан қақалоқ асраб олса, бошқалар билиб қолиб гап-сўз қилишади. Олмаса ҳавас деган нарса бор. Шунда Дилбархоннинг ҳаёлига «Онам

ФИРИБГАР



ДИЛАБАРХОН

ҳомиладор, у кўз ёрса, фарзандини ўзимники қилиб олсам қандай бўларкин?» деган фикр келди. Ва ана шу йўлни туттишга аҳд қилди.

Нихоят 1999 йилнинг 2 апрель кўни Дилбархоннинг онаси ҳомиладор Ёқутхон Отахонова ўз уйда кўзи ёриди. Янги туғилган қақалоққа Шаҳобиддин Азизбек Одил ўғли деб исм берилди. Бундан ҳамширанинг қувончи чексиз эди. Аввалдан келишиб олишганига мувофиқ қақалоқ ҳамшираники бўлди.

Орадан бироз вақт ўтди. Дилбархон қайнонаси Зокираҳон Исмоилова билан қақалоқни кўтариб 3-сонли туғруқхонада катта ақушер бўлиб ишловчи Муҳаддас Исмоилова хўзурига ташриф буоришди. Ва ундан ушбу асраб олинган фарзандни «Дилбархон туғди» деб туғруқхона дафтарларига қайд қилишни ҳамда туғилганлик гувоҳномаси олишликка ёрдам кўрсатишини сўрашди. Ўзаро келишувдан сўнг Муҳаддас бу тақлифга рози бўлди. Шундай қилиб, катта ақушер обсервация бўлими дафтарига 185, туғруқ дафтарига 184, маълумотнома дафтарига 185 тартиб рақамларини киритди. Ана шу тарзда қалбаки маълумотлар тайёрланди. Улар асосида Дилбархонга бола туққанлик ҳақида сохта маълумотнома тўлдирилди ва шаҳар ФХДБ бўлимига гувоҳнома олиш учун туғруқхона муҳри босилган маълумотнома берилди. Сохта она шаҳар ФХДБ бўлимига қушдек учиб бориб Азизбекка туғилганлик гувоҳномаси олди.

Дастлабки иш хамирдан қил суғургандек силлиқ кўчди. Эндиги навбат фарзанд 2 ёшга тўлгунга қадар парварши қилиш ҳамда пуллик таътилга чиқиш эди. Дилбархон «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотларни олиб, бола парварши қилиш ва пуллик таътилга чиқиш учун 3-шаҳар туғруқхонаси бош ҳақимаси М.Муродовага ариза билан мурожаат этди. Бош ҳақима ҳам ҳужжатлар билан чуқур танишмай, ҳамшира аризасини қондирди. Туғруқхона қасаба уюшмаси қўмитаси эса Д.Нурматовага фарзанди 2 ёшга тўлгунга қадар нафақа тайинлаш баёни ёзилган маълумотнома берди. Бу маълумотнома шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ҳисобхонасига топширилди. Шу кундан бошлаб фарзанди учун нафақа тўлана бошлади.

Дилбархон фарибгарлик йўли билан қўзланган мақсадига эришди. 1999 йилнинг 5 маййдан 2000 йилнинг 1 июнига қадар унга 34559 сўм нафақа ёзилди. Шундан 31934 сўми фарзанд учун берилган нафақа эди. Бу пуллари у қонунга хилоф равишда олди ва ўз манфаати йўлида ўзлаштирди.

Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиши ҳам мумкин эди. Наманган шаҳар прокуратураси томонидан мутахассислар иштирокида шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бўлимида ишлайтган икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган оналарга нафақа тайинланishi ва тўланишининг қонунийлиғи ўрганилганида ана шу ҳангоманинг устидан қичишди.

Дилбархон Нурматованинг қилмиши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилди. Фарибгар ҳамшира ва бошқалар қилмишлари учун тегишли жазо олдилар.

3-туғруқхонада юз берган бу ҳангомадан туғруқхона ва «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари хабардор бўлишмаган деб ўйлайсизми, йўқ, асло. Улар ҳамма ишинг ноқонунийлигини била туриб, ўзларини билмасликка олишган. Қолаверса, Дилбархон ҳам туғруқхонада ишлаб бола асраб олиш қонун-қоидасини яхши билар эди-ку! Нера бунга амал қилмади? Катта ақушер, бош ҳақима-чи?

С. ЧОРИЕВ,
Республика ҳарбий
прокуратураси бўлим прокурори,
Ж. КОМИЛЖОНОВ,
«Хўқуқ» муҳбири

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

ЙИГИТ СЎЗИДАН ҚАЙТСА ...

АРСЛОННИНГ ОРИ КЎЗИЙДИ

«Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас». Бу иборатга турмушда жуда кўп марта дўх келамиз. Биров уни қиммидир ўз ваъдасига ишонтириш учун ишлатса, бошқа биров эса ўзининг йигитлигини эслатиб қўйиш учун қўллаиди. Нима бўлганда ҳам бу ибора йигитлиқнинг авало бир сўзгиллик, ўз ваъдасига содиқлик билан ўлчанишини аңлатиши. Унда арслоннинг нима даҳли бор? Маълумки, ҳайвонот оламининг ҳукмдори арслон қучлилиги, енгилмаслиғи билан ном қозонган. Баъзи йигитларимизга қарата «шерорак», «арслон келбатли» каби иборалар қўлланилишида ҳам рамиш мазно бор. Демак йигит қилиш нафақат ўз сўзиде тураолиши балки, мард, қўқмас, кучли бўлиши ҳам даркор.

Инқор этмаймиз, бундай йигитлар бизнинг диёримизда жуда кўп. Улар юртимиз довуғини ҳажонга танитаётганини деярли ҳар кун ийнаи жаҳон орқали гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўз навбатида ватанимиз сарҳадлариде ўз йигитлик бурчларини ўтаётган аскар йигитларимиз орасида ҳам ўз элининг жасур фарзандлари қизмат қилмоқдалар. Республикадаги жанубий виллояти Сурхондарёда юртимизда ёвуз ният билан суқулиб қирмоқчи бўлган бир гуруҳ террорчи қимсаларни йўқ қилишда мард, жасур ўғлонларимиз ҳақиқий ватанпарварлик қўрсатиб жанг олиб бордилар. Ўз ватани тупроғига бир гуруҳ пулга сотилганларнинг жирканч оёқларини бостирмаслик йўлида 12 нафар ўзбек ўғлони жон фидо этди.

Бироқ мана шундай дамларда муддатли ҳарбий қизматдан бўйин товлайтган баъзи йигитларимизнинг ўраётгани кўнглига оғир босатди. Ахир улар бегона юрти эмас, ўз ватани, ўз оиласи, ўз қиллоғини

қўриқлашдек шарафни ўзларига эп қўрмаётир. Оқибатда эса...

Илҳомжон Дадабоев Наманган шаҳар мудофаа бўлими томонидан муддатли ҳарбий қизматга қақирилади. Шундан сўнг Қуролли қўчаларимизнинг ҳарбий қисмларидан бирида қизматни ўтаб юрган чоғида қисмини ўзбошимчалик билан ташлаб, қочиб кетади. Кўп ўтмай Илҳомжон ҳарбий қисмга қайтарилади. Унга нисбатан ЖК тегишли моддалари билан жиноят иши қўғатилади. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари якунлаиб суд Илҳомжонга нисбатан бир йилу олти ой озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилади. Хўқмага кўра у жазонини интизомий бўлимада ўташи керак эди. Бунчи қарангки, ўз қилмишидан ҳулоса чиқариб олмаган Илҳомжон жазонини ўтаб юриб у ердан ҳам яширинча қочиб кетади.

Илҳомжонга нисбатан ҳарбий прокуратура қайтадан жиноий иш қўғайди. Суд И. Дадабоевни қочоқликка айблаб олдинги белгиланган жазони қисман қўшган ҳолда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Энди у жазонини умумий тартиб ўратилган колонияда ўтайдиган бўлди.

Валижон Исроилов ҳам Самарқанд шаҳар мудофаа бўлими томонидан муддатли ҳарбий қизматга қақирилди. Валижон қизматни фахрли ҳарбий қисмлардан бирида бошлади. Қўнларнинг бирида Валижон рота командирига отасининг авто ҳалокатига ўчраб қасалхонага тушганлигини маълум қилиб уйга бориб келиш учун рўхсат сўрайди.

Унинг ҳолатини тўғри тушунган рота бошлиғи Валижонга оддий аскар Ф. Жўраевни ҳамроҳлиғида бир кунга рўхсат беради. Бир кун ўтгач оддий аскар Ф. Жўраев қисмга ёлғиз қайтиб келади. Шундан сўнг ҳарбий қисм қўмондони топшириқ билан


Валижон 2000 йилнинг 4 январиде қисмга қайтарилади. Бироқ В. Исроилов шу кўннинг ўзиде қисмини ташлаб кетади.

Ҳарбий қисм томонидан Валижоннинг бу ҳаракатлари ўрганилиши даврида шу нарса аён бўладики, у рота бошлиғидан жавоб сўрашда уни алдаган бўлиб қичкиди. Аслида унинг отаси ҳеч қандай автоҳалокатга учрамаган, аксинча у киши бир неча йиллар олдин вафот этган экан. Валижоннинг бу қилмиши марҳум отасининг ҳам руҳини қирқиллатган бўлса ажаб эмас. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас эди. Валижоннинг ҳарбий қисмини ташлаб келганини сезган, уйдагилари уни қисмга қайтариб олиб боришга қарор қилишди. Шу мақсадда улар Тошкентга келиб Н. Муродованинг уйда тунаб қоладилар. Валижон кечаси ҳамма ухлаб қолганлиғига ишонч ҳосил қилгач, уй эгасига тегишли бўлган «Самсунг» уяли телефон аппарати, 210 АҚШ доллари, уч дона нархи 200 минг сўмлик узук ва 30 минг сўм пулни ўмариб уйдан қочиб кетади. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар туфайли оддий аскар В. Исроилов қўлга олиниб, суднинг қора қурсисига ўтказилди. Суд ҳукми билан у 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ватани мардлар қўриқлайди. Унинг ҳар қарич ерини шараф билан ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир. Бурчининг ижроси эса виждонга боғлиқ. Юқоридеги икки йигитнинг қисмати баъзиларга ёбрат бўлар деб, ушбуни қораладик.

С. ЧОРИЕВ,
Республика ҳарбий
прокуратураси бўлим прокурори,
Ж. КОМИЛЖОНОВ,
«Хўқуқ» муҳбири

А. ҚАҲХОРОВ,
Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси

KROSSWORD

Энига: 1. Республикадаги нодавлат ахборот агентлиги. 3. Хўл мева. 6. Гиеванд модда. 9. XXVI олимпиада ўйинлари ўтказилган шаҳар. 11. Швед олими А. Нобелнинг буюк кашфиёти. 14. Асал. 15. Бирон тарихий шахсга бағишланган шеврий асар. 16. Ўта тез учувчи само аппарати. 17. Олов. 19. «Хундай» автокомпаниясининг энг оммавий русумларидан бири. 22. Парранда. 25. Ёзувчи Ч. Айтматов асари. 28. Кавказда яшовчи халқ. 29. Рангли металл. 30. Уят, ҳаё, 31. Туркиядаги шаҳар. 33. Энг қисқа умр кўрувчи ҳашорат. 35. Чолғу асбоби. 36. Маашур француз детектив фильми. 37. Гурур, номус.

Бўйига: 1. Бошқотирма. 2. Қасам. 4. Сартарошнинг «қуроли». 5. Германиядаги спорт кийимлари билан машхур фирма. 7. Ҳашорат. 8. Маълум бир уруғ, авлоднинг узғи давоимийлигини кўрсатувчи омил. 9. Афандининг қозқ ошнаси. 10. Гул. 12. Портловчи қурол. 13. АҚШ қурулган кучларидagi ҳарбий ракета. 18. Дунёдаги энг узун дарё. 20. Хўл. 21. «Шайтанат» асаридаги персонаж. 23. Инсон танаси қисми. 24. Гарбча кўнгил очиш маскани. 25. Африкада учрайдиган ёввойи ҳайвон. 26. Волга дарёсининг қадимий туркча номи. 27. Бино, уй-жой. 32. Зиё. 34. Вақт бирлиги.

Тузувчи: К. ИСМОИЛОВ

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

Бўйига: 1. Камакура. 2. Камертон. 4. Қаштан. 5. Қашкул. 8. Каюта. 10. Кема. 11. Колон. 14. Казак. 15. Кигиз. 16. Калом. 17. Кинна. 19. Кот. 20. Кул. 24. Кефир. 26. Каноп. 27. Кели. 28. Капрал. 29. Кракатуа. 30. Крокодил. 31. Капрон.

Энига: 3. Камалак. 6. Каптар. 7. Кенгаш. 9. Кускута. 12. Кашак. 13. Кубок. 18. Калабрия. 21. Кавендиш. 22. Кобул. 23. Кавказий. 25. Косеканс. 32. Кишан. 33. Котод. 34. Каримов. 35. Капсан. 36. Коинот. 37. Кальций.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКАЛРИ

«КОНКОРД»НИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ...

Россия Марказий аэрогидродинамика институтидан хабар қилишлари-ча, рус муҳандислари томонидан товушдан ўта тез учувчи қитъалараро йўловчи самолётининг лойиҳаси тайёрланган. Яқин йиллар ичида мазкур ҳаво лайнерининг икки — «Люкс» ва «Бизнес-класс» русумларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иккала русумдаги машина бир-биридан қанотларининг тузилиши ва двигател шовқинининг камайтирилганлиги билан фарқ қилади.

Самолёт 8,3 минг километргача бўлган масофани тўхтамасдан учиб ўтиши мумкин. Унинг Нью-Йорккача бўлган чипта баҳоси 700 доллар атрофида белгиланиши мўлжалланган, бу эса «Конкорд» самолётининг шу йўналишдаги чипта баҳосидан қарийб 3,5 марта арзондир.

ЯНА БИР ЯПОН МЎЪЖИЗАСИ

«Sony» корпорацияси мутахассислари ўйлаб топган янги кашфиёт кўпчиликини ҳайратга солди. Кўринишидан у оддий электрон соатлардан кўп фарқ қилмайди. Аммо унинг иш фаолияти билан яқиндан танишсангиз, япон ихтирочиларига тан бермай иложингиз йўқ. Хуллас, «Sony»-нинг харидорларга тақдирланган янги соати факатгина вақтни кўрсатиш билан чекланиб қолмайди. У айнаи вақтда уяли телефон вазифасини ҳам бажаради, бу соат-телефон ёрдамида ер шарининг исталган нуқтаси билан алоқа боғлаш, Internetга ўланиб, унинг хизматидан фойдаланиш мумкин. Корпорация ўзининг янги маҳсулоты бозорда жуда харидоргир бўлишига ишонч билдириб, янги илдан бошлаб соат-телефонларни катта миқдорда ишлаб чиқишни режалаштирган.




Р. НУРИНБОВЕВ ФОТОСИ

Рақибга «шафқат» йўқ!

СПОРТ ВА БИЗНЕС

Дунёдаги энг бой футбол клуби — «Манчестер Юнайтед» яқин ўн беш йил ичида Nike фирмасида тайёрланган спорт кийимларида ўйинга тушади ва бунинг учун қарийб ярим миллиард доллар маблағга эга бўлади. Бу айтиш мумкинки, футбол-молия соҳасидаги набватдаги жаҳон рекордидир.



Сир эмаски, айнаи дамларда ҳам «Манчестер Юнайтед» Umbro тамғаси туширилган формада ўйин кўрсатиб келаяпти. Клубнинг мазкур фирма билан тузган шартномаси эса 2002 йилда ниҳоясига етади. Табиийки, бундан хабардор бўлган жуда кўплаб спорт фирмалари ушбу таниқли клуб билан шартнома тузиш ҳаракатида бўлишган. Ўз набватидида Umbro ҳам шартнома муддатини узайтиришга интилади. Аммо Nike саховатли таклифи билан клуб раҳбариятининг кўнглига йўл топа олди. Аҳдлашувга кўра «МЮ» ҳар йили 20 миллион фунт-стерлинг ёки 30 миллион доллар олиб ту-

тиб улгуришди. Футбол оламида машхур бўлган «Интер», «Барселона», «Арсенал», «Лидс» ва «Рейнджерс» жамоларини ҳам ҳозиргача Nike «кийинтириб» келаяпти.

АҚШдаги йирик фирмалардан бири бўлган Nike «МЮ»-ни спорт кийимлари билан таъминлашдан ташқари, унинг тамғаси остида эсдалик майкаларини сотувга чиқаришни ҳам ҳозирдан мўлжаллаб қўйган. Бундан ташқари Nike жамоа ўйинчиларини реклама қилиш билан ҳам шуғулланади. «МЮ»-нинг собиқ тренери Алекс Фергюсон эса таъбир жоиз бўлса, фирманинг бутун дунёдаги элчиси вазифасини бажаради.

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, фирма «МЮ» билан шартнома

NIKE — КУЧЛИ ҲОМИЙ БЕЛГИСИ

ради. Шартноманинг умумий баҳоси эса 450 миллион долларини ташкил этади. Бунақаси эса ҳали футбол тарихида қайд этилмаган.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Nike шу пайтгача ҳам кўплаб мамлакатлар терма жамоаси ва клублари билан яхши ҳамкорликини йўлга қўйиб келган. Фирма Бразилия терма жамоаси билан 10 йил муддатга шартнома имзолаганди. Ўтган тўрт йил ичида бразилияликлар унинг 100 миллион долларини қўлга кири-

тузишга анча тайёрланди. «МЮ»-нинг юлдузлари — Дуайт Йорк, Энди Коул, Пол Скоулларнинг оёқларида ҳозирда ҳам Nike бутсиларини кўриш мумкин. Жамоанинг собиқ ўйинчиси Эрик Кантона эса фирмани телевидение орқали реклама қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Nike футбол бозоридаги пешқадамликни қўлга кири-тишга сазовор бўлган.

Охунжон ШАВКАТОВ

Қутловлар

Суюқли набирамиз
Мафтунахон!

Туғилган кунинг билан табриқлаймиз. Ота-онанинг бахтига соғ ва саломат бўлишинг-ни, доимо ҳозиргидек ширин, асал қиз бўлиб қолишингни тилаб

Бобонг, бувинг, тоғанг ва хоҳаларинг.

Сирдарё вилояти

Ҳурматли касбдошимиз
Ҳасан Нишонов!

Сизни никоҳ тўйингиз билан самимий қутлаймиз. Қураётган оилангиздан бахт ва саодат, тўқинлик ҳеч қачон аримасин.

Ҳамкасбларингиз

ТУРФА ОЛАМ

БРИТАНИЯДА «ЎЛГАНДИ», АФИНАДА УШЛАНДИ

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Яқинда Афина полицияси хибсга олган Н. исмли шахсининг аллақачон ўлиб кетган одамлигини билиб, ҳайратдан ёқа ушладди. Тўғри, полиция ушлаган киши тирикликка тирик, лекин полиция идорасидаги ҳужжатларда бу одам ўн-ўн беш йил илгари Британияда вафот этганилиги қайд этилган экан.

Аниқланишича, Н. жудаёқ «омадли ўлим» топган. Яъни унга нисбатан қотиллик ва фибригарлик ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатилган пайтда унинг ўлими «юз берган».

Ҳал шундаки, Н. 1984 йилда юқоридаги жиноятларни содир этган ва жазодан қутулиш учун Юнонистондан яширин тарзда чиқиб кетган. Орадан кўп ўтмай, унинг хотини полицияга эрининг Лондонда вафот этганилиги ҳақидаги маълумотномани келтириб берган. Албатта, ўз-ўзидан Н.га нисбатан қўзғатилган жиноят иши ёпилади. 1996 йилда хотини вафот этган, Н. Афинага қайтиб келди ва ўз уйида фарзандлари билан бирга умргузаронлик қилаверди.

Терговдан сўнг «марҳум» ўз найрағларини тан олишга мажбур бўлди. Н. бу «ўлим» унга тинч яшаши учун керак бўлганлигини, чуқки ўша пайтларда атрофида ганимлари кўпайиб кетганлигини рўқча қилмоқда. Ҳозирча у суднинг ҳулосасини кутиб ўтиришга мажбур.

МУШУК «СИМ ҚОҚДИ»

Ярим тунда Британиядаги Холбич шаҳарчасидаги «999» телефон рақамли шовчининг ёрдам хизмати коммутаторига кетма-кет қўнғироқ бўлади.

Қўнғироқ қилган одам ҳеч нарсга сўрамайди, гапирмайди, бунинг устига гўшаки жойига қўймайди ҳам. Бунақа галати қўнғироқлардан шубҳага тушган ходимлар полицияга мурожаат қилишади. Полиция қўнғироқ қилинаётган манзилни аниқлайди ва ўша жойга етиб боришади. Полициячилар у ерда ҳеч нарсадан хабарсиз ширин уйкуда ётган уй соҳибига дуч келишади...

Маълум бўлишича, ҳаммасига унинг Монти лакабли мушуги айбдор экан. Мушук эгасининг айтишига қараганда, у тугмачали телефон устида дам олишни ёқтирган экан. Демак, тасодифан у 9 рақамли кайта-кайта босиб юборган ва коммутаторга «сим қоққан». Мушук эгаси энди телефонни Монтининг кўзидан паноракча яшириб қўйишга сўз берди.

Х.НОМОЗОВ тайёрлаган

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг қадрлар бўйича катта ёрдамчиси Уткиржон Маматовга ораси Олмосон РАҲМОНОВнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ФУТБОЛ

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎРТОҚЧАСИГА ЎТДИ...

Ўтган ҳафта якшанба кўни мамлакатимиз терма жамоаси Ливанда бўлиб ўтадиган XII Осиё кубоги биринчилигига жўнаб кетиш олдидан Туркменистон терма жамоаси билан халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Маълумки, терма жамоамиз келаси йили жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларида туркменистонлик футболчилар билан бир гуруҳда иштирок этади.

Якшанбада бўлиб ўтган жамоаларнинг учрашуви гарчи мамлакатимиз вакиллариининг йирик галабаси билан якунланган бўлса-да, футболчиларимизнинг майдондаги ҳаракатларидан аксарият муҳлис-ларнинг кўнглилари тўлмади. Мазкур ўйиндан сўнг айрим мутахассислар ва муҳлис-лар Ўзбекистон терма жамоасининг Осиё биринчилиги мусобақаларида кўрган тайёргарлигини ижобий баҳоламаганлари ҳам рост гап.

Терма жамоамиз бош мураббийи Ю. Саркисян эса шогирдларининг мазкур учрашувдаги ҳаракатларини қуйидагича изоҳлади: — ... Тўғри, ўйин суръати юқори бўлмади, лекин қўзлаган мақсадимизга эришдик. Бундан ташқари, футболчиларимизга қўтилмаган жароҳатдан сақланиш қатъий топширилган эди, ўйлаيمانки, Ливанда умуман бошқача ўйин кўрсата-миз...

Қисқаси, терма жамоамиз бош мураббийи олдидида қўтлаётган муросассиз беллашуларга жиддий тайёргарлик қўрилганлигини ишонч билан таъкидлади. Унинг сўзлари нечоғли ҳақиқат эканлигини эса Ливанда бўлиб ўтадиган учрашувлар кўрсатади.

Д. ХАЙИТОВ